

Женева полицияси: 'Ўзбек дипломатларининг машинасига ҳужум сиёсий эмас'

🕒 2 Апрель 2013



Баҳам кўринг

Женева полицияси 19 март куни Ўзбекистоннинг БМТдаги ваколатхонаси машинасига уюштирилган ҳужум ортида сиёсий сабаблар йўқлигини айтди.

Полиция вакили шунингдек, ҳодисанинг аввалроқ Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий миссияси раҳбари Гулнора Каримова даъво қилганидек, "Ўзбекистоннинг БМТ Миссияси ҳудудидаги ер ости гаражида" эмас, балки Женева халқаро аэропорти яқинидаги автостоянкалардан бирида юз берганини айтди.

Номи эълон қилинишини истамаган полиция мулозимига кўра, автостоянка Ўзбекистон миссияси жойлашган БМТ идорасидан 3 чақирим узоқдаги Pre-bois кўчасида жойлашган ва у фақат дипломатлар эмас, оддий ҳайдовчилар ҳам фойдаланадиган жамоат жойидир.

Полиция вакилининг Би-би-сига айтишича, ҳодисада фақат ўзбек дипломатларининг эмас, балки яна бир дипломатик ҳамда бошқа 8 та автоуловнинг ойналари синдирилган.

Женева полицияси вакили Pre-bois кўчасида юз берган ҳодисани сиёсий эмас, балки жиноий ҳодиса сифатида текшираётганликларини таъкидлади.



Каримова хоним ҳодиса ортида ўзбек фаоллари турган бўлиши мумкинлигига ишора қилган



Ҳар куни Женевада ўнлаб машиналарнинг ойналари синдирилади ва ашёлар ўғирланади

Женева полицияси

"Ҳар куни Женевада ўнлаб машиналарнинг ойналари синдирилади ва ашёлар ўғирланади", - деди номини эълон қилмасликни сўраган полиция вакили Би-би-си билан суҳбатда.

Полиция мулозимига кўра, ҳозирда жиноий текширув бошланган, аммо полиция хали ҳеч кимни ҳибсга олмаган.

У Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий миссияси ҳужум юзасидан Женева полициясига ариза билан мурожаат этганини тасдиқлади.

Аммо полиция вакилининг билдиришича, ўзбек дипломатлари ўз аризаларида ҳужум ортида ким турган бўлиши мумкинлиги борасида расман ҳеч қандай фаразни баён қилишмаган.

'Қўрқитиш'

Женевадаги "ўзбек дипломатларининг машинасига ҳужум" ҳақида биринчи бўлиб Ўзбекистон ваколатхонаси раҳбари бўлган Гулнора Каримова ўз блогида хабар тарқатди.

"Пул тўлаётганларнинг асаби бардош бера олмаганда ..." деб сарлавҳа қўйилган блогда Каримова хоним ҳодисани ўзини ёмонотлиқ қилишга қаратилган кампаниянинг бир қисми сифатида талқин қилган.

"Сени қўрқитишни бошлашади (инглизча айтганда blackmail)), бизнинг ҳолатда умуман "қўрқмасдан", чунки жазосиз Ўзбекистоннинг БМТ Миссияси ҳудудидаги ер ости гаражидаги хизмат машинасининг ойналарини чилпарчин қилишмоқда", - деб ёзади Каримова хоним gkarimova.wordpress.com саҳифасида.

Унинг даъво қилишича, ўзбек дипломатларининг машинаси ойналарининг синдирилиши билан аввалроқ бир гуруҳ ўзбек фаолларининг унинг Женевадаги уйига кутилмаган ташрифи орасида боғлиқлик бор.

"Швейцарияда содир бўлаётган воқеада турли кучларнинг манфаатлари бирлашди – бирлари буюртма беришса, бошқалари пул тўлаб, ижод қилишади, қолганлари эса ижро этадилар...".

Шу йилнинг 1 март куни Гулнора Каримованинг Женевадаги ҳашаматли мавзелардан бири бўлмиш Колоньяда жойлашган уйига ташриф буюрган бир гуруҳ фаоллар "ўзбек диктаторининг тўнғич қизи қандай дабдабали ҳаёт кечирши" ҳақида ўзбекистонликларни огоҳ қилиш мақсадини кўзлаганликларини айтишган.



Жазосиз Ўзбекистоннинг БМТ Миссияси ҳудудидаги ер ости гаражидаги хизмат машинасининг ойналарини чилпарчин қилишмоқда

Гулнора Каримова

"Гулнора Каримованинг кўп миллион долларлик кошонасини кўришга уринишимиз Ўзбекистон халқи томонидан ишлаб топилган ёки ундан ўғирланган миллионлаб долларлар қаёққа сарфланаётгани ҳақида маълумот олиш истагидан келиб чиққанди", деб айтган Парижда яшаётган таниқли инсон ҳуқуқлари фаоли Мўътабар Тожибоева.

Гулнора Каримова ораларида Британиянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Крейг Мюррей ҳам бўлган фаолларнинг ташрифидан ғазабга келган.

Каримова хоним сўнги мақоласида унинг уйини суратга туширишга уринган фаоллар унинг хат қутисига "ғалати буюмлар"ни ташлашганини ҳам айтган, аммо уларнинг қандай буюмлар эканига аниқлик киритмаган.

"Европа мамлакатлари ва АҚШда жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳатти-ҳаракат – почта қутисига ғалати буюмларни ташлаш (дарвоқе, бу ҳақида ўзининг тўпорилиги ва жазосиз қолишини билган ижрочиларнинг ўзлари – жаноб Мюррей ва хоним Тожибоева ҳатти-ҳаракатлари ҳақида полицияга расман хабар берилганидан сўнг, тезкорлик билан Женевани тарк этиб раҳнамолари томонидан қисқа фурсат – атиги 2 кун ичида тезликда Le Temps газетасида уюштирилган интервьюларида маълум қилишган)", деб ёзади Каримова хоним ўз блогида.

Мўътабар Тожибоева сўнги ҳодисага ўзларининг бирон-бир шаклда алоқалари йўқлигини айтган.

У шунингдек, Каримова хонимнинг уйи хат қутисига "ғалати буюмлар" эмас, балки ўзларининг ташриф қоғозларини қолдирганликларини айтади.

Ўзбекистон дипломатик ваколатхонаси ходимининг расмий мурожаати ортидан Женева полицияси 1 март кунги ташриф юзасидан Мўътабар Тожибоева билан суҳбатлашган.

Женева полициясининг Би-би-сига маълум қилишича, сўнги бир ойда ўзбек дипломатлари полицияга уч марта ариза билан мурожаат этганлар.

Полиция мулозимига кўра, 7 март куни ўзбек дипломатлари Ўзбекистон ваколатхонаси идораси олдида бир гуруҳ одамларнинг тўпланганидан хавотирга тушиб, полиция чақиришган.

Аммо воқеа жойига борган полиция дипломатларга қарши бирон-бир ҳаракат содир этилганини аниқламаган.

Бу ҳикояни баҳам кўринг Баҳам кўриш ҳақида



▲ Топга қайтиш

Бу мавзуда батафсилроқ

Собиқ британ элчиси Гулнора Каримованинг ўзига қарши даъволарини рад этди

Гулнора Каримова ўзига қарши танқидларга илк бор Ғарб матбуотида жавоб қайтарди

Гулнора Каримова Vilan журналига тўла интервьюсини эълон қилди

Бошқа мавзулар >



ИД Сурияда Россия тикучарини уриб туширган

🕒 10 Июл 2016



Афғонистонга 50 Британ ҳарбийси жўнатилади

🕒 10 Июл 2016



Британиянинг аёл бош вазири ким бўлади?

🕒 8 Июл 2016

Муҳаррир танлови



**Жаҳон Чемпионати-2018:
Ким ғалаба қилади? BBC
News ўйини билан бир
башорат қилиб кўринг**



**Москвадаги ўзбеклар:
“Пулсиз қолдик, қарзга
ботдик...”**



**Собиқ уйсиз дунёни
очликдан қандай
қутқармоқчи?**



**Дунёда мисли кўрилмаган
тажриба: Ўзбекистон Орол
денгизи тубини ўрмонга
айлантirmoқда**



**Инглизча «дунёнинг
севимли тили» бўлиб қола
оладими?**



**Рўзанинг танамизга
таъсирини биласизми?**



**Би-Би-Си охири замон
ҳақида хабар берди(ми?)**

Энг кўп ўқилган

Каттақўрғон милицияси раҳбарларига чора кўрилди

1

"Менинг исмим Жиҳод"

2

Россия, Москва, футбол, ЖЧ-2018: Франция жаҳон чемпиони

3

Ўзбекистон: Мирзиёев кадрлар сиёсатининг 'пойдевори қийшиқ'

4

Би-би-си Ўзбек хизмати Интернетда

Facebook

Twitter

YouTube

Мой мир

Google+

Telegram

Одноклассники

Instagram

Хизматлар



RSS

Sahifa xaritasi

News

Sport

Weather

Radio

Foydalanish shartlari

BBC haqida

Shaxsiy ma'lumot siyosati

Cookies

Accessibility Help

Parental Guidance

Bi-bi-si bilan bog'laning

Get Personalised Newsletters

Биз билан реклама қилинг

Реклама танлови

Copyright © 2018 Би-би-си. Bi-bi-si tashqi saytlar uchun mas'ul emas **Tashqi saytlar linklariga munosabatimizga doir**